IJIRSET
International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 2, February 2022

INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER INDIA

Impact Factor: 7.569

9940 572 462 | 6381 907 438 | ijirset@gmail.com | www.ijirset.com

International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET)

| e-ISSN: 2319-8753, p-ISSN: 2320-6710| www.ijirset.com | Impact Factor: 7.569|

|| Volume 11, Issue 2, February 2022 ||

| DOI:10.15680/IJIRSET.2022.1102124 |

The Need to Develop the Professional Ideal of Future Primary School Teachers

Jabborova Onaxon Mannapovna[1], Yuldasheva Mastura Islamovna[2]

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

Tashkent region Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan[1]

Head of the Department of Methodological Services of the Department of Public Education of Chirchik, Tashkent region, Uzbekistan[2]

ABSTRACT: The article analyzes the need to develop the professional ideals of future primary school teachers.

KEYWORDS: teacher, primary, professional, ideal, development, special, approach, knowledge, training.

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ИДЕАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Жабборова Онахон Маннаповна[1]
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
[1]Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Ўзбекистон.
Юлдашева Мастура Исламовна[2]
[2]Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Халқ таълими бўлимининг методик хизмат кўрсатиш бўлими раҳбари, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий идеалини ривожлантириш зарурияти масаласи таҳлил этилган.
Калит сўзлар: ўқитувчи, бошланғич, касбий, идеал, ривожлантириш, махсус, ёндашиш, билим, тайёрлик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан[1] бошланғич таълимнинг вазифалари кенгайди. Энди таълимнинг бу босқичида ўқувчиларга нафақат бошланғич таълим берилади, балки ўқувчилар таълимнинг кейинги босқичларига ҳам тайёрланади. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг *касбий идеалини* ривожлантириш зарурият бўлиб турибди.

Идеал-бу бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг олий намунаси, камолоти ҳамда айрим шахсларнинг олий мақсадидир[2]. Идеалнинг ижтимоий, аҳлоқий ва эстетик шакллари идрок этилган. Айни пайтда, бизнинг ёндашувимизга кўра бошланғич синф ўқитувчисининг касбий идеалини ривожлантириш ҳам долзарб бўлиб турибди. Бунда биз “ўқитувчининг касбий идеали” деганда педагогнинг олий мақсад-муддаоларини ва унга етиш учун хатти-ҳаракатларини назарда тутамиз. Чунки бошланғич синф ўқитувчисининг касбий идеали унинг профессионаллашиб бориши, индивидуал тажрибаларга эга бўлиши, таълим олувчилар ва бошқаларга намуна бўлишининг асосларидан биридир. Касбий идеал айнан ўқитувчининг маънавий, ижтимоий, аҳлоқий ҳамда эстетик қиёфасини белгилайди. Шу сабабли жамият ривожи тараққиётида идеал масаласига муҳим аҳамият бериб келинган.

Педагог олимларнинг ёндашувига кўра, идеал-инсон ёки жамиятнинг хулқ-атвори, характери ва йўналишини белгилайди[3]. У инсоннинг мақсадга қаратилган ҳаёти ҳамда фаолиятини юксак даражада тасаввур этиш ва баҳолаш асосидир. Шу сабабли бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий идеалини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур масалада биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий идеали асосларини қуйидагилар ташкил этади, деб ҳисоблаймиз:

| e-ISSN: 2319-8753, p-ISSN: 2320-6710| www.ijirset.com | Impact Factor: 7.569|

|| Volume 11, Issue 2, February 2022 ||

| DOI:10.15680/IJIRSET.2022.1102124 |

1. *Касбий билимдонлик*. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий билимдонликни эгаллашда қуйидагиларга эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади:
- мутахассислик, педагогик ва психологик туркумдаги фанларни чуқур ўзлаштириш;
- имкон қадар дастлабки курслардан бошлаб устоз танлаш ва унинг ёрдамида мутахассислик фанлари бўйича қўшимча билимлар олиш;
- тўгараклар ва махсус курсларда фаол иштирок этиш.

Бу билан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий билимдонлик кўникмаси бўйича кутилган даражада билимга эга бўлади.

2. *Юксак онглилик*. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг юксак онглиликка эга бўлиши унинг касбий етуклиги асосларидан бирини ташкил этади. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш кутилган самарани беради:
- китобхонлик маданиятини чуқур ўзлаштириш;
- ўқитувчиликнинг фалсафий ва педагогик негизларини ўрганиш;
- жамиятнинг юксак онгли ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини англаш ва унга амал қилиш.

Бундай ёндашув бўлажак бошлданғич синф ўқитувчисининг юксак онгга эга бўлишини таъминлайди. Чунки юксак онг ўқитувчининг касбий фаоллиги негизларидан бири ҳисобланади.

3. *Етук аҳлоқийлик*. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг етук аҳлоқий кўникмасига эга бўлиши тақозо этилади. Бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари қуйидагиларни ўзлаштириши мақсадга мувофиқ бўлади:
- энг юксак аҳлоқий фазилатларни ўзлаштириш;
- ўзлигидаги фазилатларни намоён қилишга ўрганиш;
- аҳлоқий фазилатлар бўйича ўзгаларга намуна бўлишни ўзлаштириш.

Буларнинг барчаси олий педагогик таълим жараёнида ўзлаштирилиши бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий етукликни ўз вақтида ва тезкор равишда ўзлаштиришига олиб келади.

4. *Касбий фаоллик*. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий фаоллик кўникмасини чуқур ўзлаштириши керак. Чунки айнан касбий фаоллик ўқитувчининг фаолияти асослари ҳисобланади. Бунинг учун қуйидагиларни ўрганиш самарали ҳисобланади:
- дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа китодлар билан ишлашни ўрганиш;
- ҳар бир ўқиган китобини конспект қилиб боришга кўникиш;
- касбий фаол профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятидан ибрат олиш.

Бундай ёндашув олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг ўзи устида ишлаш тажрибасини таркиб топтиради ва уни касбий фаоллик кўникмаси асослари билан шакллантиради. Шу сабабли тажрибали ўқитувчилар йиллар давомида касбий фаолликка интилиб келишади.

5. *Касбий самарадорлик*. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий самарадорлик асосларини ўзлаштириши тақозо этилади. Чунки касбий самарадорлик вақтни тежайди, ўқитувчининг идеал мақсадларини амалга оширишида асос бўлади ва ўқитувчи фаолиятини баҳолашнинг негизларидан биридир. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида қуйидагиларни ўзлаштириш самарали ҳисобланади:
- вақт режимидан оқилона фойдаланишни ўрганиш;
- кундалик ва ҳафталик фаолият режасини тузиш ҳамда унга амал қилишга кўникиш;
- тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг касбий самарадорлигини кузатиш ва уларни ўзлаштириш.

Бундай ёндашув бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини касбий самарадорлик асосларини ўзлаштиришида таянч ҳисобланади.

Эътибор берилса, бошланғич синф ўқитувчисининг касбий идеали уни профессионал шахс сифатида вояга етказиш асоси ҳисобланади. Айни пайтда, касбий идеал асосларини ўзлаштириш фақат талабанинг ўзига боғлиқдир. Бунинг учун талаба таълим ва тарбия жараёнида ўзи устида ишлаши, ўзгалардан ёрдам олиши ва фаолиятни кузатиши кўникмаларига эга бўлиши тақозо этилади. Касбий идеал мавҳум тушунча эмас, у ўзлаштириши мумкин бўлган юқоридаги кўникмалардан иборат.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси янги Ўзбекистон шароитида фаолият юритади. Шу сабабли бу тоифа ўқитувчиларига жамият томонидан қўйиладиган талаблар ортиб боради. Ҳар бир даврнинг талабига мос бўлиш учун касбий идеалга эга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жиҳатдан бизнинг ёндашувимизга кўра, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий идеал кўникмаси билан қуроллантириш зарурият бўлиб турибди. Бу ишда устоз ва талабанинг ўзаро ҳамкорлиги кутилган самарани беради. Бунда талаба фаол ўзлаштирувчи, устоз эса йўналтирувчи ҳамда маслаҳатчи вазифаларини бажаради. Касбий идеалга эга бошланғич синф ўқитувчилари эртанги куннинг энг фаол ва профессионал ўқитувчилари сифатида идрок этилади[4].

Бошланғич синф ўқитувчисининг касбий идеали масаласи ҳорижлик педагоглар томонидан чуқур ўрганилган. Мисол учун, чех педагоги Ян Амос Коменский касбий идеал масаласини “ўқитувчининг юксак мақсади” деб

| e-ISSN: 2319-8753, p-ISSN: 2320-6710| www.ijirset.com | Impact Factor: 7.569|

|| Volume 11, Issue 2, February 2022 ||

| DOI:10.15680/IJIRSET.2022.1102124 |

талқин қилади. Унинг фикрича, юксак мақсадлага эга бўлган ўқитувчи фаол, самарага эришувчи ва ўзгаларга намунали шахс ҳисобланади[5]. Шу жиҳатдан бундай манбалар билан танишиш шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқитувчисининг касбий идеал кўникмаси асосларини белгилашда энг юксак ёндашувларга асосланиш керак.

Миллий педагогикамиз тажрибаси шуни кўрсатадики, муайян даврларда ўзига хос касбий идеалга эга бўлган педагоглар фаолият юритган. Улар ўз шогирдлари билан индивидуал шуғулланишган. Шу сабабли биз Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби мутафаккирларимизни касбий идеалга эга бўлган устозлар меҳнатининг ҳосиласи сифатида қабул қиламиз. Чунки касбий идеалга эга бўлган педагогнинг меҳнати самараси воситасида бундай мутафаккирлар вояга етган. Шу сабабли бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий идеалга эга бўлишини идрок этиш тақозо этилади.

Касбий идеалга эга бўлган ўқитувчи ўз вазифасини кундалик равишда доимо чуқур бажариб боради ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этади. Энг асосийси касбий идеалга эга ўқитувчининг ўзгаларга намуна бўлиши шарафлидир. Чунки ўзгалар унинг билимини, аҳлоқини, онглилигини ва касбий самарадорлигини эътироф этади ҳамда унга ўхшаш учун харакат қилади. Касбий идеал ана шундай амалий жиҳатлари билан бошланғич синф ўқитувчиси учун зарурий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Бу борада илмий, назарий, методологик ва амалий ишланмалар яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни касбий идеал масаласига даъват қилишнинг ва уни ўргатишнинг энг осон, қулай ҳамда самарали методларни ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Мазкур масалада талабаларнинг фаоллигини ошириш, тажрибали профессор ва ўқитувчиларнинг фаолиятини тарғибот қилиш кутилган самарани беради. Касбий идеал келажак ўқитувчисининг фаолият асосларидан биридир.

Ҳулоса қилиб айтганда, бугунги олий таълим жараёнида ва илмий фаолиятда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий идеали асосларини белгилаш, мазкур идеалнинг уларда таркиб топиш омилларини ишлаб чиқиш ва келгусида касбий идеалга эга ўқитувчиларга эга бўлиш вазифалари турибди. Шу сабабли мазкур масаланинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурият ҳисобланади.

REFERENCES

1. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
2. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
3. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1,63-67.
4. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.
5. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
6. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
7. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.
8. Жабборова, О., Ташпулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
9. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
10. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. Ekonomika i sotsium, 4(83).
11. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 449-453.
12. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'lim jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. Xalq ta'limi jurnali, 2.
13. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. Ekonomika i sotsium, 4(83).

| e-ISSN: 2319-8753, p-ISSN: 2320-6710| www.ijirset.com | Impact Factor: 7.569|

|| Volume 11, Issue 2, February 2022 ||

| DOI:10.15680/IJIRSET.2022.1102124 |

14. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. Academic research in educational sciences, 2(4), 702-706.
15. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янгича ёндашувлар тизими. Academic research in educational sciences, 2(3), 1040-1045.
16. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, 2(3), 584-589.
17. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, 2(2).
18. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, 2(1).
19. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, 2(1).
20. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students-as an important social-pedagogical problem. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 516-523.

INNO SPACE
SJIF Scientific Journal Impact Factor
Impact Factor:
7.569

doi cross ref

ISSN INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER INDIA

निस्केयर NISCAIR

INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

9940 572 462 6381 907 438 ijirset@gmail.com

www.ijirset.com

Scan to save the contact details